

5-1-2018

The use of the “Critical View” methodology in the study of economic disciplines

D. Tojibaeva

Tashkent Institute Of Finance, Tashkent, str, Amir Temur 60A, dtojiboeva@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot>

Recommended Citation

Tojibaeva, D. (2018) "The use of the “Critical View” methodology in the study of economic disciplines," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2018 : No. 5 , Article 19.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2018/iss5/19>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Economics and Innovative Technologies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ИҚТИСОДИЙ ФАНЛАРНИ ЎРГАНИШДА «ТАНҚИДИЙ НАЗАР» МЕТОДИНИ ҚЎЛЛАШ

Дилором Тожибоева,
Тошкент молия институти профессори, и.ф.н.
E-mail: dtajiboeva@mail.ru

Аннотация: Мақолада китоб ўқишининг ҳозирги пайтдаги аҳамияти асослаб берилган. Талабаларни китобни, матнни синчиклаб ўқиш, унда билдирилган фикрларни таҳлил қилиш, хулоса чиқариш ва баҳо беришга қаратилган, муаллиф томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий фанларни ўрганишда «танқидий назар» методини қандай қўллаш бўйича мисоллар ёрдамида кўрсатмалар берилган.

Аннотация: В статье обосновываются насколько значимо чтение книг в настоящее время. Для того, чтобы студенты досконально читали книги, анализировали выраженные мысли автора и давали оценку, со стороны автора статьи предлагается подготовленный ею метод «критические точки зрения» и показывается использования его на основе преподавании экономических дисциплин.

Abstract: In article are proved how much significantly reading of books now. That students thoroughly read books, analyzed the expressed thoughts of the author and stated an estimation, from the author of article the method prepared by it «the critical points of view» is offered and is shown its uses on a basis teaching of economic disciplines.

Калитли сўзлар: китоб, китоб ўқиш турлари, синчиклаб ўқиш, танқидий назар, метод, кичик гуруҳ, тақдимот.

Кириш

Жаҳон миқёсида таълим тизимининг ҳозирги кундаги муҳим ташвишга солаётган масалаларидан бири ёшларнинг борган сари китоб ўқишини камайиб кетаётганлигидир. Китоб устида ишлаш ўқувчи, талаба учун мураккаб ва қийин метод саналади. Жуда кўп ўқувчи, талабалар ўқишни билганлари ҳолда китоб билан ишлашни етарли даражада билмай ёки ўқиганларининг маъносига тўлиқ етмаган ҳолда ўқишни битирадилар. Бунга сабаб нима? Нима сабабдан ўқувчилар ҳам, талабалар ҳам ўқув адабиётлари билан ишлашни қийин кўришади? Ёшларни китоб ўқишини камайиб бориши сабаби нимада?

Бир гуруҳ АҚШлик педагог-методистлар тадқиқот ўтказиб, бунинг икки асосий сабабини аниқлашди: **биринчидан**, дарсликлар, кўпинча ноаниқ, мужмал ёзилган бўлади, ҳеч бўлмаганда матнни тушуниш учун зарур бўлган барча ахборотни камдан-кам ҳолатда қамраб олади. Китобхон ноаниқ ёзилган матнга, тушунмаган сўзга дуч келгач, типик ҳолатда ўзини пассив тутуди, яъни энг осони китобни ёпиб қўя қолади. **Иккинчидан**, ўқувчи, талабалар кўпинча бир адабиётдан зарур ахборотни барчасини олишни кўзлашади. Бир китобда ҳамма ахборотларни бериб бўлмайди. Бундай имкониятга эга глобал тармоқ - интернетнинг яратилиши китоб устида ишлашни янада камайишига олиб келди. Шунинг учун америкалик ва бошқа мамлакатлар педагоглари томонидан ўқувчи, талабаларни китоб устида ишлашларини фаоллаштириш мақсадида қатор методлар ишлаб чиқилди. Булардан “муаллифдан

сўранг”, “инсерт”, “Б/Б/Б” жадвали, “Тақриз ёзиш”, “Ўқиган китобим ва менинг эгаллаётган касбим” ва бошқа қатор методларни кўрсатиш мумкин.

Маълумки, Президентимизнинг 2016 йил 8 октябрдаги Ф-4724-сонли фармойиши билан ташкил қилинган Ишчи гуруҳ томонидан олий таълим тизимидаги ҳолатни ўрганиш натижаларига кўра, бир қатор олий таълим муассасаларида ҳали ҳам илмий-педагогик салоҳиятнинг пастлиги, таълим жараёнларини ахборот-услубий ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш замонавий талабларга жавоб бермаслиги, уларнинг моддий-техника базасини тизимли янгилашга эҳтиёж мавжудлиги ва бошқа камчиликлар аниқланган ва уларни бартараф этиш мақсадида **2017 йил 20 апрелда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги PQ-2909 сонли қарори қабул қилинган эди.

Унда камчиликларни бартараф этишнинг муҳим вазифаларидан бири сифатида таълим жараёнини, олий таълимнинг ўқув режа ва дастурларини янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини кенг жорий этиш, магистратура илмий –таълим жараёнини сифат жиҳатдан янгилаш ва замонавий ташкилий шаклларни жорий этиш асосида янада такомиллаштириш зарурлиги белгилаб қўйилди [1]. Демак, биз педагог сифатида ўқув жараёнида талабаларни ўқув ва илмий адабиётларни синчиклаб ўқишга, таҳлил қилиш ва хулоса чиқаришга ўргатадиган методларни кенг қўллашимиз, янги модификацияларини, инновацион методларни яратишимиз зарур.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Маълумки, билим олиш, малака ва маҳоратга эга бўлишда китобга тенг келадиган манба йўқ. Ҳозирда ёшлар ҳаётида интернет алоҳида роль ўйнашига қарамай у китобнинг ўрнини боса олмайди. Германиялик олимларнинг олиб борган тадқиқотлари шуни кўрсатадики, ҳаддан ташқари интернет, компьютер билан шуғулланиш инсоннинг интеллектуал салоҳиятини оширишга эмас, аксинча пасайтиришга олиб келар экан. Бу тадқиқот таниқли француз файласуфи Д. Дидронинг “Кимки китоб ўқишдан тўхтаса билинги, у фикрлашдан ҳам тўхтаган бўлади” деган фикри билан нақадар ҳақ эканлигини кўрсатади[2].

Олимлар биз учун аён нарса: ўқиш инсонни ақллироқ қилишини, бошқа ҳеч қайси фаолият миянинг билиш имконииятини, қобилииятини кенгайтиришга хизмат қилмаслигини, унинг мия учун нақадар фойдали эканлигини ўтказган тадқиқотлари асосида исботлашди [3]. Яна бир тадқиқот кўрсатдики, қоғозга босилган китоб электрон китобга қараганда симпатик нерв тизими (юрак фаолиятини қўзғатадиган) ни 2 марта кўп 31,68 % гача кўтарилар экан [4].

Китоб билан мулоқот – инсоннинг интеллектуал ривожланишининг олий ва ҳеч нима билан алмаштириб бўлмайдиган шаклидир[2].

Инглиз олимларининг фикрича танқидий ўқиш тушунчаси талабалар учун анча мавҳум тушунча бўлиши мумкин. Шу сабабли биз ушбу тушунчани изоҳлаб беришдан бошлаб, танқидий дегани фақатгина ўқилган материалдан ташқи дунёга нисбатан нега деган савол билан қараш эмас, балки ўзини ҳам текшириб, ўз тадқиқот фалсафасини англаб етиш, ўз ишига ҳам танқидий нуқтаи назардан қараш кўзда тутилади. Яна бир нарсага аҳамият бериш керакки, очиқдан-очиқ вайронкор танқиддан қочиш лозим, мақсад бунёдкор умумий тасаввурга эга бўлишдир.

Талабалар учун танқидий ўқиш осон эмас. Бу борада олиб борилган биринчи тадқиқотлар (Кейс ва Ганстоун, 2003) вақт талабалар учун асосий муаммо бўлганини кўрсатди. Ўзлаштиришга юзаки ёндашадиган талабалар учун тўлиқ тушунишга мўлжалланган вазифаларни бажариш жуда кўп вақтни олишини таъкидлашган. Ўзлаштириш учун чуқур ёндашадиган талабалар учун эса қанчалик вақт кетса ҳам бир умрга эсда қоладиган қилиб ўрганиш маъқулдир.

Иккинчидан, модуль курслари талабаларда маълум бир чегараларда ўйлашга мажбур қилади. Билим ва ўрганишнинг бундай усуллари ҳам танқидий ўқиш учун тўсиқ бўлиши мумкин. Учинчидан, ўзгача таълим фалсафаси асосида ўқиб ўсган баъзи талабалар учун улар катта бўлган маданий муҳит ҳам тўсиқ вазифасини бажариши мумкин. Ўз маданиятида тан олинган олимларнинг фикрларига танқидий назар билан қарашга ўрганмаган талабалар учун танқидий ўйлашни ўрганиши анча машаққатли бўлиши мумкин [5].

Инглиз файласуфи Ф. Бекон айтганидек, **“Ўқиш инсонни билимдон, суҳбат – топқир, ёзиб бориш одати – аниқ мўлжалга олувчи қилади”** [6]

Тадқиқот методологияси

Мазкур мақоламизда китоб устида мустақил ишлаш, уни синчиклаб ўқиш, билдирилган фикрларга танқидий ёндашиш, хулоса чиқариш, қарор қабул қилишга ўрганиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини асослаб беришга диққат қаратдик. «Танқидий назар» методининг олий таълимда иқтисодий фанларни ўқитишда ўзига хос хусусиятлари, афзалликларини кўрсатишда методологик жиҳатдан такомиллаштиришга оид ўз қарашларимизни баён этдик. Унда кузатиш, илмий-тадқиқот, тажриба-синов, қиёсий таҳлил, кўргазмали, амалий методлардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Китоб ўқиш – нутқ фаолиятининг мураккаб тури бўлиб, уни устида ишлаш маҳорати кўп жиҳатдан унинг аҳамияти, ролини тушуниш, уни ўқишгача китоб ҳақида, унинг таркибий элементлари ҳақида билимга эга бўлишга боғлиқ бўлади. Китоб ўқиш учун барча фаолиятни амалга оширишдан мақсад қўйилгани каби, уни ўқишдан ҳам мақсад қўямиз.

Ўқув жараёнида **қўйилган мақсад бу** – керакли ахборотга эга бўлиш; бунинг учун **техник жиҳатдан** - ўқиш ва тез ўқиш кўникмаларини эгаллашимиз, ҳамда **ижодий жиҳатдан** – матндан зарур маълумотларни танлаб олиш маҳоратига эга бўлишимиз керак.

Бунинг учун биз дастлаб китобнинг таркиби ҳақида тушунчамиз бўлиши зарур. Ҳар бир китобнинг таркиби қуйидагилардан иборат бўлади:

1) **Сарлавҳа:** китобнинг номи, илмий адабиётларда айниқса, мавзуга урғу берилади

2) **Аннотация:** титул варағи орқасида жойлаштирилиб, китобнинг қайси йўналишга қаратилгани кўрсатилади. Унинг мазмунини қисқача тавсифи берилади. Кимлар учун мўлжаллангани кўрсатилади.

3) **Мундарижа:** мавзу режаси берилади, у китоб бўйича йўл кўрсатувчи бўлиб хизмат қилади (Айрим адабиётларда охирида берилади).

4) **Сўз боши:** муаллиф томонидан қўйилган мақсад ва уни амалга оширишнинг нақадар зарурлиги ва вазифалари баёни, муаллифнинг нималарга алоҳида диққат

қаратгани, уни ўқиш жараёнида китобхон нималарга эътибор бериши ва бошқа шу кабилар баёни;

5) **Асосий қисм:** Унда китобнинг бўлимлари, боблари, ишнинг мазмуни баён қилинади.

6) *Иқтибос келтириш (цитата бериш)* - матндан сўзма-сўз парча келтириш. Унда албатта чиқиш маълумотлари берилади (муаллиф, ишнинг номи, нашр жойи, нашриёт номи, нашр йили, саҳифаси).

7) **Хотима (хулоса):** қисқача хулосалар берилади.

Ундан ташқари **изоҳли луғат** (глоссарий), китобда кенг қўлланилган атама, тушунчаларнинг қисқача мазмуни, **иловалар** берилиши мумкин.

Китоб ўқишдан қўйилган мақсадга кўра уни қандай ўқиш танлаб олинади.

Ўқув ва илмий адабиётларни ўқиш турлари

Мазмунни ўзлаштириш бўйича ўқиш турлари

Кўриб чиқиладиган ўқиш	Танишиб чиқиш	Ажратиб ўқиш	Синчиклаб ўқиш
Умумий таассуротга эга бўлиш учун	Умумий мазмунни тушуниш учун	Маъносини чуқур тушуниш учун	Маъносини тушуниш ва таққослаш учун

Китоб устида ишлаш ўқиш, ўрганишнинг энг муҳим методларидан ҳисобланади. У дарс жараёнида ўқитувчи раҳбарлигида ёки мустақил равишда амалга оширилиши мумкин.

Маълумки, ресурсларнинг чекланганлиги танлашни, танлаш эса таққос-лашни, танқидий нуқтаи назардан қарашни зарур қилиб қўяди. Бозор иқтисодиёти рақобатга асосланар экан, танлаш, ҳар бир нарсага танқидий нуқтаи назардан ёндашиш, мустақил фикрлаш ва қарор қабул қилиш янада долзарб боради. Демак, ўқувчи-талабаларда ана шундай кўникмани шакллантириш зарур. Бундай кўникмани танқидий фикрлашга йўналтирилган методлар орқали шакллантирилади.

Танқидий фикрлаш бу мустақил фикрлашдир. Мустақил фикрлайдиган киши вазиятни ўрганиб, таҳлил қилиб, зарур қарор қабул қилади. Агарда муваффақиятсизликка учраса, ундан чиқиб кетиш йўлларини излайди, топишга ҳаракат қилади. Қўйган мақсадига етишиш учун тинмай изланади. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда ўқувчи-талабаларни танқидий фикрлашга ўргатувчи методларни дарс жараёнида қўллашга катта эътибор берилмоқда. Инсон танқидий фикрлар экан, у ёки бу ғоялар билан танишади, уларни амалга оширишдаги мумкин бўлган салбий оқибатларни олдини оладиган бўлиб боради.

Танқидий фикрлаш ғоя ва имкониятларни ижодкорлик билан уйғунлашуви, концепция ва ахборотларни қайта қуришдек мураккаб жараёндир. Бу фаол ва интерактив билишнинг бир неча даражаларида бир вақтда рўй берадиган жараён бўлиб ҳам ҳисобланади.

Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда китобни синчиклаб ўқиш ва ўқиганлари

асосида хулоса чиқариш ва баҳолашга қаратилган методни ишлаб чиқдик ва унга «Танқидий назар» деб ном бердик.

Танқидий назар методини қўллашнинг яна бир ижобий томони борки, у ғоялар ва тавсифлар, фикрларнинг турли-туманлигини таъминлайди. Агар “ягона битта жавоб тўғри” деган кайфият устунлик қилса, танқидий фикрлашга имкон бермайди.

Методни қўллаганда энг асосийси ўқувчи талабалар олинаётган ахборотларни маъносига етишлари лозим. Уларни фаол ўзлаштирганларида, тушуниб маъносига етганларидагина энг юқори натижага эришишлари мумкин. Бундай натижага танқидий назар методини қўллаш орқали эришиш мумкин.

Фикрлаш фаолиятини ривожлантиришни турли стратегиялари, усуллари, йўллари, мавжуд. Айнан танқидий назар методи ўқувчи-талабаларни билдирган фикрини англашга ва унга ўз муносабатини билдиришга йўналтиради.

Маълумки, ўқувчи талабалар ўз билимларини маълум бир масалаларни ечишда татбиқ эта олсаларгина уларда билим ва ижодий фикрлаш ривожланади. ана шу жараён бу методни қўллаш орқали билдирилган фикрни маъносига етишда билинади.

Бунда семинар, амалиёт дафтари саҳифасига таққосланаётган матнлар сонига мувофиқ устунлари бор жадвал чизилади. Ўқитувчи талабаларга уларга нималар ёзилишини тушунтиради.

Танқидий назар методи - матннинг мазмунини тадқиқ қилиш, таққослаш, шахсий тажриба билан боғлаш ва ўз муносабатини билдиришни ўргатадиган метод. Танқидий назар методи ва уни дарс жараёнида қўллаш қуйидагича амалга оширилади:

Ўқитувчи мавзу, савол ёки муаммони, дарсда ўрганиладиган категория кабиларни танлаши лозим. Сўнгра ажратиб олинган савол ёки муаммони қайси адабиётдан ўрганилади: ўқув адабиётиданми ёки бирон бир илмий оммабоп журнал ёки газетада берилган мақоланими режалаштиради. Тахминан дарс қандай ўтишини технологик харитасини ишлаб чиқади.

Дарс жараёнидаги дастлаб ўрганиладиган мавзу ва уни қандай метод ёрдамида муҳокама қилинишини ўқувчи – талабаларга етказилади.

Танқидий назар методи асосида дарс ўтиш тафсилоти:

Ажратиб олинган савол, категория, тушунча, масала ёки муаммо ўқувчи талабаларга эълон қилинади. Бунда ўрганилаётган мавзу, савол, категория, тушунча ва ҳоказоларга икки ва ундан ортиқ муаллифларнинг фикрларини таққослашга диққат қаратилади. Уни қўйилган мақсаддан, гуруҳнинг салоҳиятидан келиб чиқиб, соддалаштирилган ёки мураккаблаштирилган вариантларда қўлласа бўлади.

Айниқса, иқтисодий категория, тушунчаларни мазмун-моҳиятини ўрганишда кенг қўллаш мумкин.

Методни қўллашни мисол ёрдамида кўриб чиқамиз.

Айтайлик, биз «Асосий воситалар амортизацияси аудитини ўрганаёلمиз. Бунинг учун «Аудит» фанидан нашр этилган адабиётларда ана шу мавзу бўйича текширишга қаратилган билдирилган фикрларни таққослаймиз.

«Дастлаб ўқувчилар асосий воситалар нима эканлигини, шунингдек уларга амортизация ҳисоблаш тартиби, сўнгра уни текширишга ўрганишларини назарда тутиб, қуйидагича топшириқ берамиз:

«Асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш»нинг тўғрилигини текшириш» мавзуси бўйича топшириқ:

Қўлингизда иккита китоб турибди. Сиз ундан ҳар икки муаллиф (муаллифлар гуруҳи)нинг амортизацияга берган таърифларини топинг. Уч устунли чизма чизинг. Биринчи ва иккинчи устунга таърифларни иқтибос тарзида кўчиринг ва манбаларни тўлиқ келтиринг. Таърифларни таққосланг ва ўз фикрингизни билдириш.

Бунда талабалар ҳар икки муаллиф билдирган фикр, ғоя, нуқтаи назарни таққослайди, улар бўйича ўз фикрини билдиради.

Топшириқни бажариш бўйича талабанинг жавоб варақаси

Биринчи муаллиф фикри	Иккинчи муаллиф фикри	Талаба нуқтаи назари, изоҳи
Асосий воситалар амортизацияси – асосий воситалар-нинг қиймати маъ-лум бир давр ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматига қўшилиб бориши натижасида унинг табиий ва маънавий эскиришидир. (Дўсмуротов Р.Д. “Аудит” маърузалар матни. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. 2005, 274-бет)	Асосий воситалар амортизацияси – бу асосий воситалар қий-матини ҳисобот даври давомида тизимлашган услубда босқичма-босқич ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматига ўтказишдир. (Тўлаҳўжаева М.М., Илҳомов Ш. И., Аҳмаджонов К.Б., Файзиев Ш, Н., Хўжаева М.Х., Тулиев М.С. АУДИТ. Дарслик. –Т: “DeHaus Print” 2011, 185-бет)	Иккинчи китобдаги таъ-риф содда ва кенгроқ. Асосий воситалар қийма-тини босқичма-босқич ишлаб чиқарилган маҳсу-лот қийматига ўтказили-шига урғу берилган. Биринчи китобдаги таъ-рифда асосий воситалар-нинг қиймати маҳсулот қийматига қўшилиб бори-ши натижасида унинг таби-ий ва маънавий эскириши юз бериши кўрсатилган. Ваҳоланки, асосий восита-лар ишлатилса ҳам, ишла-тилмаса ҳам эскиради.

Ўқитувчи жавоб варақалари ёки дафтарларни йиғиб олиб, баҳолайди.

Танқидий назар методини турли вариант, модификацияларда қўллаш мумкин. У ўқитувчининг фанни нақадар чуқур билиши, фантазияси ва бошқаларга боғлиқ. Бунда бир узвий савол, муаммо, таъриф кабиларни ўрганишга бағишланган ўқув, илмий адабиёт, журналдаги мақолалардан фойдаланамиз.

1. Ўқитувчи аввалдан талабаларга ўрганилаётган мавзу бўйича ҳар бир ўқиладиган бетдан унга ёққан матн парчаси асосида, уларни солиштириш орқали энг тўғри деб, ёзилганини кўрсатиб, ўз фикрини асослаб беришни топшириши мумкин.

2. Дарсни «Ҳаракатлар стратегияси»да устувор йўналишларда нима сабабдан айнан шу йўналишга диққат қаратилганини асослашга бағишланган топшириқларни унга берилган изоҳни индивидуал, кичик гуруҳларда, гуруҳда қўллаш, муҳокама қилиш тарзида барча талабалар фикрини эшитиши шаклида ташкил қилиш мумкин.

3. Жуфтликда ишлаш, икки талаба биргаликда матн танлаб, изоҳларни ҳам биргаликда ёзиб, ёзган фикрларини баён қилиш нима сабабдан айнан шу парчани танлаганларини кўрсатиш мумкин. Бунда талабалар ўртасида энг “ҳозиржавоб”

жуфтлик танланади.

4. Кичик гуруҳларда ишлаш. Бунда ҳар бир кичик гуруҳ талабалар сони нечта бўлса, шунча матндан парча ва унинг изоҳини келтиришади. Аудиторияда эса гуруҳ вакили тақдим қилган матн парчасидан энг яхши деб, топилганини изоҳи билан ўқиб беради. Нима сабабдан гуруҳ айнан ана шу иқтибос ва изоҳни энг яхши деб топгани сабабини ҳам баён қилади. Кичик гуруҳлар ўртасида берилган жавобларга кўра, ғолиблар аниқланади.

Танқидий назар методини қўллашнинг яна бир варианты. Талабаларга дарслик ёки илмий мақолани ўқиб, курс иши, илмий доклад, илмий иш, мақоласи учун керак бўладиган барча ахборотларни, қизиқарли фикрлар, фактлар, рақамлар, ҳар хил қарашларни топиш, унга *изоҳ ёзиш тарзида ташкил этиш мумкин. Бу вариант айниқса магистрлар учун қўл келади.*

Бу методни қўллаш талабалардан юқори даражада билим, Блум таксономияси бўйича таҳлил қилиш, синтез, баҳолаш даражасида фикр юритишни талаб қилади. Бу методни кўпроқ олий ўқув юртларида қўллаган маъқул, лекин соддалаштирилган вариантларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ҳам дарс жараёнида қўллаш мумкин.

Бу методни қўллаш орқали ўқитувчи талабаларни матнни синчиклаб ўқишга, ундаги муаммо, унинг келиб чиқиш сабабини муаллиф қандай изоҳлагани ва унинг ечими сифатида қандай таклиф берганини ва матн бўйича фикрлаши қандай тарзда кечганини кўра олади. Айтайлик, ўқитувчи «Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш» мавзусида «Молия» журналида чоп этилган икки мақолани танлади. Магистрлар учун топшириқ қўйидагича бўлсин.

1-топшириқ: Қўлингизда «Молия» илмий журналининг 2014 йил, 4-сони турибди. Унда бир-бирига яқин мавзуда икки мақола берилган. Бири Ш. Мусалимовнинг «Тартибга солувчи солиқларнинг маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришдаги аҳамияти», иккинчиси, А. Исламқуловнинг «Бевосита солиқ тушумларининг маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришдаги аҳамияти» деб аталади. Матнда қандай масала, муаммо қўйилганини, уни келиб чиқиш сабаблари, муаллифнинг таклифларини аниқланг.

2-топшириқ. Ҳар икки муаллифнинг таклифларини солиштиринг. Уларнинг умумий жиҳатлари ва фарқларини аниқланг.

3-топшириқ. Масалани, муаммони ечиш бўйича муаллиф фикридан фарқланувчи ўз таклифингизни **беринг. Уни индивидуал жавоб варақасида акс еттиринг.**

4-топшириқ. Индивидуал жавобларни кичик гуруҳларда муҳокама қилинг. 2014 йилдан бошлаб бу соҳада қандай ўзгаришлар юз берди, кўрсатинг. Улардан энг тўлиқ фикр, янги ғоя билдирилганларини танланг ва гуруҳда тақдимот қилинг.

1-топшириқ:

Индивидуал жавоб варақаси

Ш. Мусалимов. Тартибга солувчи солиқларнинг маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришдаги аҳамияти. Молия, 2014 йил, №4, 70-74-бетлар.		
1-муаллиф томонидан қўйилган муаммо, масала	Муаммонинг келиб чиқиш сабаблари	Муаммони ечиш учун 1-муаллиф томонидан билдирилган фикр
1	2	3

А. Исламқулов. Бевосита солиқ тушумларининг маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришдаги аҳамияти. Молия, 2014 йил, №4, 74-78-бетлар.		
2-муаллиф томонидан қўйилган муаммо, масала	Муаммонинг келиб чиқиш сабаблари	Муаммони ечиш учун 2-муаллиф томонидан билдирилган фикр
1	2	3

2,3-топшириқ:

Индивидуал жавоб варақаси

Ҳар икки муаллиф фикрларининг умумий жиҳатлари	Муаллифлар фикрларидаги фарқлар	Муаммони ечиш учун магистр томонидан билдирилган фикр
1	2	3

4-топшириқ:

Кичик гуруҳнинг жавоб варақаси

Кичик гуруҳ аъзоларининг индивидуал жавоблари	2014 йилдан бошлаб шу соҳада юз берган ўзгаришлар	Кичик гуруҳ томонидан танланган жавоб
1	2	3

Ажратилган вақт тугагач, жавоблар муҳокамаси бошланади. Кичик гуруҳ тақдимотини унинг аъзолари келишувига кўра танланган магистр оғзаки ёки мультимедиа ёрдамида бажариши мумкин. Унда гуруҳнинг муаллиф фикридан ташқари муаммони ечиш учун қўшимча қандай фикри бўлса, уни қўллаб-қувватласа ёки аксинча бўлса у ҳам гуруҳ диққатига ҳавола қилинади.

Ўқитувчи топшириқни баҳолаш жадвалини ҳам тарқатма материал тариқасида тайёрлаши ёки оғзаки эълон қилиши мумкин.

Барча кичик гуруҳлар тақдимот қилишади. Муаммолар бўйича гуруҳда фикр алмашилади. Ҳар бир кичик гуруҳ ўзларини ва бошқа кичик гуруҳларнинг жавобларини баҳолашади. Ўқитувчи иш натижаларини таҳлил қилиб, балларини эълон қилади, дарсни якунлайди.

Хулоса ва таклифлар

Умуман олганда «танқидий назар» методини нафақат иқтисодий фанлар, балки бошқа фанларни ҳам ўрганишда қўллаш мумкин. Уни турлича ташкил этиш, топшириқ, вазифаларни турли вариантларда қўллашнинг имконияти катта. Шу билан бирга бу методни бошқа методлар билан биргаликда фойдаланиш мумкин. Чунки кўпинча методлар бири иккинчисини қўллашни тақозо қилади, бир-бирига боғланиб кетади. Уни мустақил таълимни ташкил этишда ҳам қўллаш мумкин.

У Бенжамин Блум таксономиясининг юқори даражаларини қамраб олиши билан ҳам ажралиб туради. Шунинг учун бу методни ҳамкасбларимизни иқтисодий фанларни ўрганишда қўллашларини таклиф этамиз ва бу ҳақдаги фикрларини кутиб қоламиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги PQ-2909 сонли қарори. Тошкент 2017, 2-бет. www.lex.uz;
2. Афоризмлар. D. Didro. <http://www.aforism.su/105.html> , Твардовский А. <http://www.aforism.su/105.html>
3. Клэй Диллоу (Clay Dillow) Ученые подтвердили очевидное: чтение полезно для мозга. <http://inosmi.ru/usa/20120915/199230530.html>
4. Почему бумажные книги лучше электронных?
<https://www.kp.ru/daily/26419/3293139/>
5. A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education. Enhancing Academic Practice. Third edition. Edited by Heather Fry, Steve Ketteridge, Stephanie Marshall. First edition. This edition published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016 Simultaneously published in the UK by Routledge 2 Park Square, Milton Park, Abingdon, Oxon OX14 4RN; Methods for teaching: promoting student learning in K–12 classrooms/David A. Jacobsen, Paul Eggen and Don Kauchak.—8th ed, 2009.
6. F. Bekon <http://www.aforism.su/105.html>
7. Ходиев Б. Ю. , Голиш Л. В. Мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш усул ва воситалари (биринчи босқич талабаларига ёрдам тариқасида): Ўқув-услубий қўлланма – Т.: ТДИУ, 2010. – 97 б.
8. Тожибоева Д., Йўлдошев А. “Махсус фанларни ўқитиш методикаси”. Дарслик. - Т.: «Алоқачи», 2009.
9. Тожибоева Д. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. – Т.:, “Фан ва технология”, 2007,